ҚИШЛОҚ ХАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 23 май. ЖУМА № 41 (5.814). Сотувда эркин нархда

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам кино санъати арбоблари

Қадрли дўстлар

Сизларни, турли қитъалар ва мамлакатлардан келган кино ижодкорларини, қадимий ўзбек заминида илм-маърифат, санъат ва маданиятга азал-азалдан эътиқоди баланд халқимиз ва шахсан ўз номимдан мубораксбод этишдан ғоят мамнунман.

Тошкент киноанжуманининг «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтиши бежиз эмас. Бу мустақил Узбекистон диёридаги кино байрамига янгича руҳ ва янгича мазмун бахш этиши шубҳасиздир.

Узаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятлар устивор бўлсагина, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат фаровон яшаши, одил ва демократик жамият қуриши мумкин.

Тошкент киноанжумани инсонлар қалбига ёруғ орзулар бахш этишга, эрк, озодлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик ғояларини сингдиришга, мамлакатлар ва халқларнинг маданиятини узаро боғлашга, яқинлаштиришга, ер юзида узаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонаман.

Сизларни серқуёш Узбекистон тупроғида яна бир бор самимий қутлайман ва кинофестивалингиз ишига муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни АҚШ савдо вазирлиги маслаҳатчиси ва МДҲ мамлакатлари билан энергетика ҳамда савдо ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари бўйича вакили Ян Калицкини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Узбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо алоқалари тобора кенгайиб бораётганини қайд этди. Хусусан, Узбекистон билан АҚШ компаниялари ўртасида нефт ва газ ишлаб чиқариш соҳасида узаро ҳамкорликни янада ривожлантириш биз учун муҳим йўналишлардандир, деб таъкидлади, жумладан Президент Ислом Каримов.

Суҳбат чоғида Узбекистон билан АҚШнинг «Энрон», «Тексако», «Мобил» ва бошқа компаниялари билан мамлакатимизда янги нефт ва газ конларини қидириб топиш, уларни қайта ишлаш ҳамда етказиб бериш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, учрашувда икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашувда Президентнинг давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг Узбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

АГРОСАНОАТ МАЖМУИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН

Тошкентда 22 май куни Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги ҳукуматлараро кенгашининг агросаноат мажмуи масалалари бўйича мажлиси бошланди.

Мажлисда Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков сўзга чиқиб, Президент Ислом Каримовнинг мажлис иштирокчиларига самимий табригини етказди.

МДҲ ҳудудидаги кўпчилик республикаларда бошқа айрим соҳаларда бўлгани каби, агросаноат мажмуи ҳам анча оқсоқланиб қолди. Бугун мустақил давлатлар халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган бир пайтда ана шу соҳани янада ривожлантириш учун зарурат пайдо бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг учун имконият етарли даражада. Зеро, қишлоқ инфратузилмасини барпо этишда агросаноат мажмуининг беқиёс ўрни бор. Шунинг учун ҳам, МДҲ ҳудудида қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, бу соҳада фаолият кўрсатадиган қўшма корхоналар очиш, биогенетика ва селекция соҳаларида ҳамкорлик қилиш, жумладан, усимликларнинг янги навларини ишлаб чиқиш, уларни ўрганиш, генетика заҳираларини айирбошлаш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда замонавий усулларни қўллаш, узаро тажриба алмашиш билан боғлиқ масалалар муҳокамаси мажлис қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Мажлисда, шунингдек, илгари қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилувчи ишчи гуруҳни ташкил этиш, мутахассислар айирбошлаш, генетика заҳираларини асраш ҳамда улардан ҳамкорликда фойдаланиш, товар ва хизмат кўрсатиш нархларини мувофиқлаштириш юзасидан ҳам узаро фикр алмашилди. Делегациялар вакилларининг бу борадаги маърузаси тингланди.

Мажлисда Узбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Муҳитдинов иштирок этди.

Давлатлараро иқтисодий қўмита мажлиси 23 май куни ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА).



ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Фурқат тумани пахтакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб ғалабага эришдилар. 3400 қути қурт уруғининг 2900 қутиси териб олиниб, давлат буюртмаси 112 фоизга бажарилди. Режадаги 175 тонна ўрнига 200 тонна қимматли саноат хомашёси топширилди. Бу ютуққа Томоша, Фурқат, Қўқон ширкатлар уюшмаларининг миришкорлари катта ҳисса қўшдилар. Қуртларни илғор агротехника усулларида парваришлаган пиллакорлар Қобилжон Пўлатов, Мухтарам Мамадова, Ҳафиза Бердалиева, Собиржон Турсунов, Ҳалима Ҳасановалар ҳар қутидан 90—100 килограммдан пилла топширишга муваффақ бўлдилар.

Туман пиллакорлари яна 30 тонна маҳсулот топшириш мажбуриятини олдилар.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ.

ДЕНОВЛИКЛАР ЗАФАРИ

Сурхондарё вилояти Денов тумани пиллакорлари маррага етди. Тайёрлов идоралари улардан шартномада белгиланганидек 44 тонна «кумуш тола» қабул қилиб олди. Деновликлар яна 21 тонна пилла топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

(ЎзА).

КУМУШ ТОЛА ИЖОДКОРЛАРИ

Сирдарё туманининг кумуш тола етиштирувчилари бу йил 1795 қути қурт уруғини меҳр билан парваришлаб, мустақил республикамиз хирмонига 71 тонна сифатли хом ашё етказиб беришга аҳд қилишган.

Айни кунларда 1450 звенога бирлашган пиллакорлар ўтган йилгидан кўпроқ маҳсулот етиштириш йўлида меҳнат қилмоқдалар. Туманда энг кўп кумуш тола етиштирувчи Охунбобоев номли, «Янги ҳаёт», Синдоробод номли, «Ҳақиқат», Маманов номли, «Ўзбекистон», Иброҳим Каримов номли жамоа хўжаликларининг пиллакорлари жорий йил мавсумида ҳам карвонбошиликни қўлдан беришмаяпти.

— Хўжаликларда ипак қурти боқувчи хонадонларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган, —дейди туман пиллачилик ширкати раҳбари Нарзулла Хайитқулов. — Жамоада соҳанинг сир-синоатини пухта биладиган мўл ҳосил усталари кўп. Эрта-индин кумуш толани давлатга топшириш қизғин тус олади.

Эркин ТЎЛАГАНОВ.

Тармоқ таҳлили

ШУ КУННИНГ УЧ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Баҳорнинг учинчи ойи ўтиб боряпти. Мавсумнинг серёғин келганлиги деҳқончилик ишларини муайян даражада чўзиб юборди. Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий ва Самарқанд каби қатор вилоятлар экинзорлари табиий офатдан талофат кўрди. Ушбу вилоятларга ҳукумат томонидан зарур ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирги дамлар республика қишлоқ хўжалигида энг долзарб ва масъулиятлидир. Бу ҳақда яқинда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида сим орқали бўлиб ўтган кенгашда атрофлича фикр юритилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, туман ҳокимлари, тармоққа алоқадор ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этдилар. Ғалла урим-йиғимига тайёргарликнинг бориши, ғўза парвариши, ем-хашак жамғаришнинг аҳволи хусусидаги долзарб масалалар чуқур таҳлил этилди.

Кенгашни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди. Унда Бош вазир ўринбосарлари А. Муҳитдинов, К. Раҳимов, М. Усмонов, Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, Р. Юнусов қатнашдилар.

Деҳқонларимиз ҳукуматимизнинг ғалла мустақиллигига эришиш борасидаги сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида жорий йилда катта майдонларда бошоқли дон етиштиришяпти. Уруглик ўз вақтида экилиб, суғориш ва озиқлантириш ишлари меъёрида олиб борилганлиги боис, мол ҳосил учун пухта замин яратилди.

Муҳими шуки, тармоққа эътибор кучайди. Ғаллакорларимиз бой тажриба тўплашаётир. Аммо шунга қарамай, бир қатор хўжаликларда бу муҳим ишга етарли эътибор берилмади. Оқибатда айрим майдонларда бегона ўтлар кўпайди. Ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши айнан шундан бошланади. Кўпгина раҳбарлар, мутахассислар тармоққа нисбатан муносабатни ўзгартирмаяптилар. Утган йили талайгина майдонлар ўз вақтида бегона ўтлардан тозаланмаганлиги сабабли Оқолтин, Ш. Рашидов, Арнасой, Нишон, Муборак каби қатор туманларнинг айрим далаларида ҳосилни уриб-янчиб олишнинг имкони бўлмади. Яқин кунларда ғалла урим-йиғимига киришилади. Масъулиятли мавсум пухта тайёргарликни талаб қилади. Урим техникасини сифатли тайёрлаш ишлари айрим туманларда ҳамон суст бораётганлиги ачинарлидир. Бу йил ҳосил 8-10 кун олдин пишиб етилмоқда. Ғаллани 20-25 иш кунида саранжомлаб олиш соҳа мутасаддиларининг муҳим вазифасидир.

Ўтган йилги урим мавсумида қатор камчиликларга йўл қўйилди. Айниқса сара уруг жамғариш, етиштирилган донни ҳисоб-китоб қилиш ишлари яхши бўлмади. Жорий йилда узибуларчилик такрорланмаслиги учун жойларда мутахассис ва олимлардан иборат назорат гуруҳи аҳволни ўрганиб чиқиб, аниқ тадбирларни амалга оширяпти. Шундай бўлсада, баъзи хўжаликларда ҳамон сусткашлик мавжуд. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Каттақўрғон, Жиззах туманларида техникани мавсумга созлашда жиддий камчиликлар бор.

Техника — деҳқон қаноти. Қишлоқ хўжалиги юмушлари усиз битмайди. Лекин кўпгина хўжаликларда таъмирлаш ва созлаш сифатига эътибор кунгилдагидек эмас. Сирдарё туманидаги Маманов номли, «Ҳақиқат», Охунбобоев номли, «Узбекистон», Пахтачидаги «Зарафшон», Нарпайдаги «Оқолтин» жамоа хўжаликларида комбайнларнинг занжир ва пичоқлари номигагина тозаланиб, мойлаб қўйилган. Комбайнларни гермитизация қилиш эса фақат Қашқадарё вилоятида имкон қадар бажариляпти. Қолган жойларда бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрилмаётир. Утган йили комбайнлар гермитизация қилинмаганлиги оқибатида ҳосилнинг 20-25 фоизи нобуд бўлганлиги туман ва хўжалик раҳбарларига аён-ку?!

Яна бир муҳим юмуш шуки, хўжаликларда мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, ғалла майдонларидаги ҳосилни аниқлаш бўйича тадбирлар ўтказиш ва ҳар бир пайкал учун далолатнома тузиш лозим. Шунингдек, етиштирилган ҳосилнинг исроф бўлишига йўл қўймай баракали хирмон уйғанларни рағбатлантириш, эл бойлигини талон-тарож бўлишининг олдини олиш тадбирларини белгилаш лозим.

Уруглик тайёрлаш асосий вазифалардан бири. Утган йили бу вазифа уддаланмади. Республикадаги 165 та тумандан фақат 44 тасида бу борадаги режа бажарилди. Нарпай, Пахтачи, Пайариқ, Ҳазорасп туманларида эса умуман уруглик тайёрланмади. Зафаробод туманидаги «Уч қаҳрамон», Ҳ. Олимжон номли, Ф. Хўжаев номли, Турғунбоев номли, Беруний номли, Оқолтин туманидаги С. Сиддиқов номли, «Сардоба», Бобур номли, У. Носир номли, Ш. Рашидов туманидаги Ш. Рашидов номли, Темур Малик номли, «Пахтаобод», «Гулистон», «Беш булоқ», «Дўстлик» хўжаликларида ҳам уруглиққа мутлақо эътибор берилмади. Жорий йил ҳосили учун ҳам худди шу туманлар мутасаддилари донни ўз муддатида эка олмадилар.

Баҳорда бўлиб ўтган кучли ёғингарчилик натижасида баъзи туманларда чигит экилган майдонларнинг талай қисми зарарланди. Муайян майдонларда кучли қатқалоқ пайдо бўлди. Омилкор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли зарарланган пайкалларда чигитни қайта экиш ишлари қисқа муддатда ўтказилди. Қатқалоқни юмшатишда культиваторлардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Ғўза ривожи, ҳосил тақдири шу кеча-кундузлаги парваришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу уринда бир мисол. Утган йили Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида культиваторлардан унумли фойдаланилмади. Бунинг натижасида 6 та туманда ҳосилдорлик гектарига ўртача 10 центнер, Кегайлида эса 7 центнерни ташкил этди, холос. Шу тумандаги М. Жуманазров номли, «Дорвоза қум» жамоа хўжаликларида эса ҳосилдорлик бундан-да паст.

Бу йил ёғингарчиликнинг кўп бўлиши далаларда бегона ўтларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Шу боис ғўза қатор ораларига вақтида ишлов беришнинг аҳамияти катта. Яна бир муҳим юмуш — яганалаш. Қатор туманларнинг хўжаликларида муҳим тадбирга етарли эътибор берилмади. Оқибатда ғўзаларнинг ривожи яхши бўлмади, ҳосилдорлик камайиб кетди. Бахтга қарши бу йил ҳам яганалаш қатор туманларда суст олиб бориляпти.

Плёнка остидаги ғўзалар алоҳида эътиборда бўлиши керак. Боиси бу технология кўпчилик пахтакорлар учун янгилик бўлиб, йўл қўйилган ҳар бир хато янгиликнинг ривожига ғов солиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги экинларидан минерал ўғитларсиз юқори ҳосил олиб бўлмайди. Ҳукуматимиз жорий йил ҳосили учун минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича тегишли чораларни кўрди. Хўжаликларга 508 минг тонна азот, 156 минг тонна фосфор, 123 минг тонна калий ўғити ажратилди. Таассуфки, кўп вилоятларда ғўзани озиқлантириш муддати ўринсиз кечиктириляпти. Бунда ҳеч бир баҳонага ўрин йўқ. Бугуннинг муҳим вазифаларидан яна бири чорвачиликни изчил ривожлантириш, тармоқда ислоҳотларни талаб даражасида жорий этиб, етарли миқдорда сифатли озуқа жамғаришдан иборатдир. Мавжуд бўлган имкониятлардан эса ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаётир. Утган йили ғалладан бўшаган 450 минг гектар ерга такрорий экин, шундан 310 минг гектарига озуқа экинлари экиш режалаштирилганди. Амалда эса ажратилган майдонларнинг 62 фоизигагина такрорий экин жойлаштирилди, холос. Арнасой, Қўнғирот, Шуманай ва Зомин туманларида муҳим иш мутлақо талабга жавоб бермайди.

Қатор туманларда такрорий экин умуман парваришсиз қолиб кетди. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг хўжаликларида атиги 5—20 фоиз майдонлардагина озуқа экинлари уриб олиниб, ҳосилдорлик 26—42 центнерда қолди. Пала-партишлик, масъулиятсизлик оқибатида чорва маҳсулдорлиги кўнгилдагидек бўлмади. Ҳукуматимиз чорва озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ саъи-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Хусусан, сувли майдонларни кенгайтириш тадбирлари кўрилди.

Баҳорнинг серёғин келиши яйловларда табиий ўтларнинг яхши ўсишини таъминлади. Лекин кўпгина жойларда уларни уриб олиш учун техникани тайёрлаш, одамларни бу ишга сафарбар қилиш кўнгилдагидек эмас. Бу борада Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тўпланган тажрибаларни кенг оммалаштириш лозим.

Кенгашда Узбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Маркс Жуманиёзовнинг ахбороти тингланди. Барча вилоятларнинг ҳокимлари ғалла урим-йиғимига тайёргарлик, ғўза парвариши, ем-хашак тайёрлаш борасидаги ишлар қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот бердилар.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Мамлакатимизнинг жўшқин ҳаёти

ШОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Тошлоқ туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалигида Андижон технологиясини жорий этиш юзасидан бой тажриба тўпланган. Янгилик шарофати билан меҳнат унумдорлиги ортиб, даромад йил сайин кўпайиб бормоқда. Айни кунлари хўжаликнинг А. Ражабов бошлиқ бригадаси далаларида бўлсангиз шонага-шона қўшаётган ғўзаларни кўриб диллда қувонасиз. Уста заршунос ларнинг таъкидлашларича, ниҳоллар ривожи бу йил бир ой илгари. Бу ерда бултур чигитни плёнка остига экиш усули яхши синовдан ўтди. Ҳосилдорлик аксарият бригадаларда гектарига 45-50 центнерни ташкил этди. Шу боис хўжалик раҳбарлари иккиланмай кўпроқ ерга Андижон усулида чигит экдилар. Ҳосил тугунчаларини кўриб ғоят руҳланган миришкорлар дала ишларини зўр ташаббуслик билан олиб боришмоқда. Экинларни суғориш, қатор ораларига ишлов беришда А. Ражабов бошлиқ жамоа барчага намуна бўлаяпти.

ДЕҲҚОН МАТОНАТИ

Ғузор туманида омилкор, ҳар қандай шароитда ҳам ишнинг қаловини топа биладиган дарғалар кўп. Ҳал қилувчи дамларда уларнинг қатъиятлиги, ташкилотчилиги, тажрибалари асқотмоқда. 2 май куни табиат ғузоқиклар иродасини синовдан ўтказди. Кучли ёғингарчилик муаммоларни кўпайтириб юборди. Бир текис униб, кун сайин яшнаётган ғўза ниҳолларининг муайян қисми ерпарчин бўлди. Ерларни қатқалоқ босди. Бундай қурғоқлик биринчиси эмас. Қунтиллилар ёрдамга келдилар. Офатдан жиддий зарар кўрган майдонларга қайта чигит экиш, қатқалоққа қарши курашиш ишлари ташаббуслик, ўта масъулият билан амалга оширилди.

Фермер хўжаликлари ҳам ёлғизлатиб қўйилмади. Масалан, «Чавқа» деҳқон-фермер хўжалигига керакли миқдорда техника, ишчи кучи ажратилди. Тадбиркор Қ. Очиловнинг қадрдонлари қўллаб-қувватлашди. Натижада ғоят қисқа вақт ичида табиий офат оқибатлари бартараф этилди. Айни кунларда туманнинг аксарият хўжаликларида диққат-эътибор ғўза парваришига қаратилган.

ЯНГИ МУЗИКА МАКТАБИ

Эллиққалъа тумани маркази чирой очмоқда. Бу йил кенг кўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Яна бир хайрли ишга қўл урилди: туман маркази Бўстон шаҳрида музика мактаби биноси қурилиши жадал суръатлар билан боришлаб юборилди. Уни «Аралводстрой» трестига қарашли механизациялашган қўшма жамланма меҳнатчилари амалга оширишмоқда. Иш уч семнада олиб борилмоқда. Қурилиш материаллари таъминотида узилишлар бўлмаяпти. Бунёдкорларга намунали маданий-маиший хизмат кўрсатилмоқда. Ажойиб музика мактаби эллиққалъалик ёшлар учун ажойиб совға бўлади.

САХОВАТ

Собир ака Шариповни китобликлар самимий ҳурмат қилишади. У аввало «Қашқадарёсувқурилиш» трестининг Китобдаги механизациялашган кўчма жамланмаси раҳбари сифатида зўр омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатмоқда. Иноқ жамоа зиммасидаги вазифани шараф билан адо этмоқда. Фойдаланишга топширилаётган бинолар ўзининг кўркамлиги билан ажралиб туради. Омилкор раҳбар иқтисодиётни мустаҳкамлашга эришди. Бу хайрли ишларга ҳисса қўшиш, фаолиятни кенгайтириш имкониятини берди. С. Шарипов фарзандлар камоли ҳақида алоҳида қайғуради. Шу боис фаоллар билан бамаслаҳат иш юритиб Юсуф Хос Ҳожиб номли ўрта мактаб биносини таъмирлаш учун 350 минг сўм, «Лочин» болалар боғчасига эса 30 минг сўм маблағ ўтказди. Шунингдек, янги футбол жамоасини ташкил этиш, йўллар қуришдек савобли ишларга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишди.

Қайси бир қурувчи билан суҳбатлашманг, улар яратилаётган имтиёзлар, иш натижаларидан мамнун эканликларини айтишади. Катта жамоанинг ҳар бир ишчисига кунига тушлик учун 72 сўм ажратиляпти. Ойлик маошдан ташқари мукофот ҳам бериб борилмоқда.

САБЗАВОТКОРЛАР ИБРАТИ

Сара сабзавот етиштиришда Тошпўлат Юсуповнинг олдига тушадиган Самарқанд туманида кам топилади. Ёпларни мураббийси ердан, ўғитдан, техникадан унумли фойдаланишнинг ҳаддисини олган. Неъмат Бойзаев, Карим Бобоев, Сафар Йўлдошев каби уста миришкорлар тадбирларни сифатли амалга оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Бултур Т. Юсупов бошлиқ жамоа истеъмолчиларга 215 тонна пиёз, 20 тонна сабзавот, 150 тонна картошка ва бошқа неъматлар тортиқ этишганди. Айни кунларда экинлар парвариши намунали олиб борилмоқда. Эрта кўкламда ҳашар уюштирилиб, далага нури ҳамда маҳаллий ўғит ташиб келтирилганлиги ўз самарасини беряпти. Уста сабзавоткорлар жорий йилда айниқса сабзи, пиёздан мўл ҳосил етиштиришмоқчи.

ЖАЛОЛҚУДУҚ ЧИРОЙИ

Она-Ватанга бўлган муҳаббат аввало ўз хонадонимиз, маҳалламиз, жонажон қишлоғимизга бўлган меҳрдан бошланади. Буни яхши англаган жалолқудуқликлар республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Узбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Муҳим ишда ихчам ва маҳаллий хом ашёлардан кўпроқ фойдаланиляпти. Турар-жой ва маданий-маиший биноларни бунёд этишда уларнинг чиройли, бежирим, аҳоли учун ҳар томонлама қулай бўлиши алоҳида инобатга олинмоқда. Сунгги вақтларда Андижон шаҳридан андоза олиниб чиройли йўллар қурилди. Маданият ва истироҳат боғи яхшилаб таъмирланди.

Ғузарлар яратиб, маҳаллий тадбиркорликка кенг йўл очиш ҳам диққат марказида. Хусусан, бош бекат ҳудудидаги бўш ерлар тадбиркорларга бўлиб берилди. Натижада ихчам, чиройли савдо дуконлари қад ростлади. Шунингдек, «Қатортол» хўжалигида замонавий мактаб қад ростлаяпти.

М. ИЛЁСОВ.

ЕР ҚАДРИ,

Дуҳқоннинг хазинаси ер. Ер туйса эл ҳам туяди. Дейдиларки, ери бойнинг-эли бой. Ер-сув битмас хазина, бободеҳқон хазинабон. Ерни обод қиладиган эл булса, элни ер туйдиради. Дастурхонини неъматларга буркайди, ҳамёнини даромадга тулдиради.

Фарғона водийсига борганмисиз? Бағдод, Олтиариқ Пахтаобод, Булоқбоши ва Қувада булганмисиз? Деҳқонлари ҳар қарич ерга меҳрини сочган. Буш ётган майдон тополмайсиз. Тирикчилик илинжида, ҳосил олиш иштиёқида ернинг бир парчаси ҳам қайта ишлов берилиб сабзавоту полиз экинлари, мевали дарахтлар экилган, боғ-роглар барпо қилинган.

Ширмонбулоқ тоғларига бир чиқинг! Роҳат топасиз, бағрингиз қувончларга тулиб, кунглингиз тоғдек кутарилади. Руҳингиз қушдай енгил тортиб, фикрингиз тиниқлашади. Назиров ота Сулаймоновдай кўпни кўрган боғбон тоғнинг тепасида тошлар орасида боғлар яратган. Ҳозир бу гўша оромгоҳга айланган. Одамлар боғ мевасидан баҳраманд. Ҳам хордиқ, ҳам даромад...

Азим Самарқандда бобомиз Амир Темур яратган боғлар қайта тикланиб, оралиқларида деҳқончилик қилинмоқда. Боғлар болга кирмоқда. Ҳосил нишоналаридан кунгил тўқ. Бир қарансанг, минг кўргинг келади. Тойлоқ тумани қули гул деҳқонлари томорқаларида етиштирилаётган маҳсулотларни бир кўринг-а, ҳайрон қоласиз. Деҳқон ерга нақадар меҳр билан боқишини гувоҳи буласиз. Ердан зар ундираётганларга тасаннолар айтамиз.

Хуш, ҳамма жойда ҳам ерга шундай муносабат таркиб топганми? Афсуски, йўқ! Республика прокуратураси идоралари жойларда Президентимизнинг шу йил 18 мартдаги «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қуллаб қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда унинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари қандай бажарилаётганини мунтазам ўрганиб бормоқда. Текширишлар натижаларига назар солсак, ҳали қатор вилоятлар ва туманлар, хўжаликларда фармонни тўлиқ амалга ошириш учун талайгина ишларни рўёбга чиқариш лозим бўлади.

Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари томонидан уларга ажратиб берган ерлардан белгиланган тартибга зид равишда фойдаланиш ва хўжасизликка йўл қўйиш каби қонунбузилишлар содир этилганлиги ташвишлидир. Сирдарё вилояти Гулистон тумани «Тараққиёт» деҳқон хўжалиги раҳбари Э. Махамбоев 1996 йилда 30 тонна пахта хом ашёси етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан контрактация шартномасини тузган. Статистика идораларига 20 гектар майдонга пахта экилганлиги ҳақида ҳисобот берган, амалда эса 6 гектар майдонга шиёз, 19 гектарга шоли, 4,4 гектарга полиз экинлари ҳамда 4,7 гектар майдонга эса бошқа турдаги экинлар экилиб қонунбузилишига йўл қўйган. Меҳнатобод туманидаги «Пахтакор» ширкатлар уюшмасида ҳам вазифасига, бурчига совуққон қоровчилар, эл манфаатидан ўзиникини устун билгувчилар топилади. Уюшманинг «Гулистон» деҳқон хўжалиги раиси А. Нурматов 1,32 гектар

ДЕҲҚОН ИЗЗАТИ,

майдондаги пахта майдонини узбошимча бузиб, ўрнига шахсий ёрдамчи хўжалик учун ерёнғоқ экиб, хўжаликка моддий зарар етказган. Сирдарёлик ҳар икки қонунбузар қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортилди.

Сурхондарё вилояти Музробот туманидаги С. Саттаров номли деҳқон хўжаликлари уюшмасида ташкил қилинган Сирож номли деҳқон хўжалиги раҳбари Н. Сирожев 0,84 гектар, шу уюшмадаги Норқобил номли деҳқон хўжалиги раҳбари А. Юсупов 0,57 гектар, деҳқон хўжалиги раҳбари С. Сафаров эса 0,7 гектар ер майдонига шахсий манфаатлари учун пиёз экиб олган. Ушбу тумандаги «Қунғирот» деҳқон хўжаликлари уюшмасига қарашли Нурмамат номли деҳқон хўжалиги раҳбари Н. Қулаҳмедов пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш учун ажратилган ер майдонининг 0,9 гектарини узбошимчалик билан томорқа ер участкаси тарзида тарқатиб юборган. У қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Наманган вилояти Поп туманида ҳам қонунбузилишлар содир этилмоқда. Тумандаги «Паҳлавон» деҳқон хўжалиги туман ҳокимининг қарори билан ташкил этилиб унга «Навбаҳор» жамоа хўжалиги ҳудудидан 198,5 гектар ер майдони ажратилди. Утган йили ушбу ер майдонлари узбошимчалик ва ноқонуний равишда пудратчиларга олинган ҳосилнинг эллик фоизини бериш шарти билан бўлиб берилган. Натижада 3,4 тонна шоли ҳосили талон-тарож қилинишига йўл қўйилди.

Бухоро туманидаги Ф. Аллаев номли жамоа хўжалиги Р. Очилова номли деҳқон хўжалиги туман ҳокимининг қарори билан ташкил этилганди. Унга ажратилган 1,2 гектар узумзордан кейинги икки йилда умуман ҳосил олинмаганини қандай баҳолаш мумкин. Ахир, масъулиятсизлик ва виждонсизлик қачонгача! Гектарлаб узумзордан бир бош ҳам узум олинмаганига ким ишонади? Завол ўтган боғ умрига ачинадиганлар Бухорода топиладими? Қаерлардадир ҳар бир қаричини кўзга тўтиё қилиб, ундан дур ундирилса-ю, яна қаердадир гектарлаб майдонлар умри бекор ўтса? Бу қонунсизликларга чек қўйиш керак.

Ерга муҳаббат-элга муҳаббат. Ерини алдаган узини алдаган. Шундай экан виждонга хиёнат қилмай, бободеҳқонларимиз удумларига садоқат кўрсатиб ерлардан самаралироқ фойдаланмоқ даркор. Айрим туманларда деҳқон хўжаликлари ихтиёрига ажратилган ер майдонлардан оқилона фойдаланилмаётир. Ер тузиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг баъзи ходимлари узлари қонунбузилишларга йўл қуймоқдалар. Қонунбузилишларни олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик чораларини кўриш борасида вилоят ва туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, ҳокимиятлар қатъият кўрсатишга ожизлик қилмоқдалар.

Бойсун туманини олиб кўрайлик. «Работ» жамоа хўжалигида ташкил этилган «Наврўз», «Сайроб» жамоа хўжалигидаги «Чинор», «Ортиқ», «Илдам» деҳқон хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланилмаган. Ушбу масалада прокурор тақсимнома киритгач, туман ҳокимияти қарор қабул қилиб, ерлар қайтариб олинди.

Президент фармонлари қандай бажарилмоқда?

ҚОНУН ҲУРМАТИ

Жойларда айрим хўжалик раҳбарлари ва туман ҳокимликлари мутасадди мансабдор шахсларининг масъулиятсизликлари оқибатида деҳқон хўжаликларига ажратилган ер майдонлари ўз вақтида ва белгиланган ҳажмларда берилиши пайсалга солинмоқда. Энг ачинарлиси уларга унумсиз ерларни ажратиш ҳамда илгари берилган ерларни асоссиз қайтариб олиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Шаҳрихон туманидаги А. Темур номли жамоа хўжалиги ҳудудидан ташкил этилган Муҳаммадали номли деҳқон хўжалигига 4 гектар ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори ижроси таъминланмаган. Худди шу хўжаликда ташкил этилган Ҳабибулло деҳқон хўжалигига ҳам 5,5 гектар ер ажратиш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори ижро этилиши пайсалга солинган. Жамоа хўжалиги бошқаруви ҳайъатига қонунбузилишларни зудлик билан бартараф этиш ҳақида амрнома берилди. Туман ҳокимиятига мазкур қонунчилик талаблари бузилиш ҳолатларини бартараф қилишга доир тақдимнома киритилди. Қанча сарсонгарчилигу оворагарчиликларга чек қўйилди.

Пахтачи туманидаги Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ташкил этилган деҳқон хўжаликлари тақдири ҳақида асоссиз қарорлар қабул қилиниб, 8 та деҳқон хўжалигига ажратилган. 13 гектар ер майдони масъул мансабдорларнинг қонун талабини билмасликлари оқибатида жамоа хўжалигидан қайтариб олинган. Прокурор томонидан жамоа хўжалик бошқарувининг ғайри-қонуний қарори талабларини бекор қилиш масаласи қўйилди. Қонунбузилишларни зудлик билан бартараф этишга доир амрнома берилди. Туман ҳокимиятига тақдимнома киритилди. Яхши ишларга хайрихоҳ, деҳқонларга ҳамдард бўлишга одатланмоқ даркор.

Норин туманидаги 30 та деҳқон хўжаликларини туман «Дўҳқонмашсервис» ҳиссадорлик жамияти қошидаги машина трактор паркларига хизмат кўрсатиш бўлими томонидан эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва таъмирлаш ишлари қониқарсиз ташкил қилинган. Уларга умуман ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳам берилмаган. Бундай адолатсизликка чек қўйилди. Айбдорлар тегишлича чораларга тортилди.

Кимки ер қадрига етмаса, унинг уволи тутади, кўпни алдаса гуноҳи азим. Деҳқон дардига малҳам топиб, ташвишига шерик булганларга савоблар ёғилаверади. Агарки, ким булишидан қатъий назар, мавжуд қонунчиликни бузса, Президент фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари талабларини тўғри англаб етмаса карвондан тушиб қолиши, эл назаридан ўтолмай ора йулда сарсон булиши тайин.

Президентимиз Ислом Каримов куни кеча республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашганида меҳнаткашлар ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, унинг ислоҳотлар ижрочиси сифатидаги фаоллигини ошириш, эзгу мақсадларимизни қалбдан тушунишига ва қўллаб-қувватлашига эришиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида қонун устиворлигига эришиш, давлат ва фуқаро манфаатлари уйғунлигини таъминлаш ғоят муҳим вазифа эканини унутмаслик бурчимиз.

Ислом ЖАСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси.
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими мудири.

Марҳамат туманидаги Ўқчи қишлоғида қурилаётган пахта тозалаш заводи, цехларига технология ускуналарини ўрнатиш бошланди. Заводни «Агроқурилиш-2» трестининг 113-механизациялашган кўчма колоннаси ҳамда трестнинг бошқа бўлиНмаларидаги бинокорлик бригадалари, шунингдек «Андижонирригацияқурилиш» ва «Андижонжамферлойиҳақурилиш» бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш жамоалари қурмоқда.

ДАЛАГА ТУТАШ ЗАВОД

Ҳозир бу ерда ишлаб чиқариш бинолари, тайёр маҳсулот ва чигит сақланадиган омбор, маъмурий-маиший корпус, ишчилар ошхонаси бинолари да сувоқ ва бўёқ ишлари жадал бормоқда. Завод қошидаги пахта тайёрлаш пунктида сув сақланадиган ҳовузлар ва бошқа участкалар тайёрлаб қўйилди.

Марҳамат тумани пахтакорлари шу вақтга қадар ҳосилни Асакадаги пахта тозалаш заводининг тайёрлаш пунктларига топширар эди. Андижон вилоят ҳокимлиги ва республика ҳукуматининг ташаббуси билан бир йилда 25 минг тонна пахтани қайта ишлашга мўлжалланган Ўқчи пахта заводини пахта йиғим-терими мавсуми бошлангунга қадар қуриб битказиб, фойдаланиш учун топширишга қарор қилинди. Завод ишга тушгач, транспорт харажатлари камаяди, Асакадаги экология вазияти яхшиланади, аҳоли зич жойлашган Марҳамат туманида икки юздан ортиқ киши доимий иш билан таъминланади.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Фидойи ишбошилар

ЧОШГОҲДА

Ҳойнахой сиз уни танийсиз.

Лупи юзлари баҳорнинг эрка шабадасида бироз қорайган, ўрта бўй, туладан келган аёл. Боқишлари гоҳида ўйчан, гоҳида шодон, хушбичим чеҳрасига табассум яраша.

Қачон қараманг, елибюгурган югурган. Ҳали далада, ҳали идорада ва ёки туман марказида, Қишлоқдаги тўю маъракалар усиз ўтмайди. Хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, хизмат қилиб кетаверади.

У — Ҳакима Зиёвуддинова. Уша — бир вақтлар Оҳанғарон туманида боғчага мудиралик қилган, кейинчалик жамоа хўжаликларидан бирида бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаган Ҳакимахон.

Эртага нима бўлиши ёлғиз Яратган эгамгагина аён. Ҳакимахон ҳам вақти келиб қизлик қишлоғи — Ёриққа қайтиб боришини, яна уша ерда ўзининг беғубор болалиги, шўхликка тўла ёшлиги ўтган сўлим қишлоғида меҳнат қилишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Тақдир экан, ўз-ўзидан шундай бўлиб қолди.

У хўжалик раҳбарларига иш сўраб мурожаат қилмади. Балки уни катталар яхши билишгани, иқтидорини тан олишгани учун ўзлари жамоада ишлашга таклиф қилишди.

Шундай қилиб бундан тўрт йил муқаддам Ҳакимахон Урта Чирчиқ туманидаги «Узбекистон» жамоа хўжалигининг қолоқ бригадалардан бирига етакчи қилиб тайинланди.

— Раҳбарликка сени ўзимиз танладик, болам, — деганди ўшанда кекса сувчи Мансурали Исоқов. — Шундай экан, юзингни ерга қаратмаймиз. Эшитишимча, ўзинг ҳам иккита институтни тугаллаган экансан.

Дастлабки йили ҳам, бошладик, — дейди бригада саркори. — Куздаёқ барча экин майдонларимизни сифатли шудгордан чиқариб қўйганлигимиз қўл келди. Қишки тадбирлар ҳам вақтида амалга оширилди. Чигитни илғорлар тажрибасиз юксак агротехника қоидалари асосида қисқа фурсатларда экиб олдик. Фақат...

Ҳакимахон 64 гектар пахта майдонининг 16 гектарига чигит Андижон усулида — пленка остида экилганлигини, ҳар қандай янгилик каби бу ҳам анчагина хавотирли кечганлигини сўзлаб берди. Бутун бригада аъзолари жалб қилинди бу ишга.

— Бизнинг бугунимиз ҳам, эртамиз ҳам шу дала, — деб кулади бригада аъзоси Зарифа Ҳасанова. — Туриш-турмушимиз шу дала туфайли. Ҳосил мўл бўлсин, деб тириш-тирмашиб ётибмиз. Уйда бир қути пиллаям олганман. Бу ёқда бола-чақанинг ташвиши.

— Нечта фарзандингиз бор?

— Бешта. Каттасини ўтган йили узатдик. Кейингиси Тошкентда тикувчиликка ўқияпти. Бичиш-тикиш қўлидан келиб қолди. Ундан кейингиси ҳам...

Камола Маниёзова ўтган йили ўрта мактабни тугатган. Шунданбери Ҳакимахоннинг бригадасида. Дала ишларида унга синглиси, укалари қўмаклашиб туришади.

— Яқинда қизиқчи Обид Асомов концертига билет тарқатишган экан. Сиз ҳам бордингизми?

— Мана бу ишлардан қутилиб олайлик, кейин деди,— Камола далани ишора қилиб. Сунг қўшиб қўйди. — Менга кўпроқ телевизор ёқади. «Морена Клара», «Қунгил қўчалари»... Қолдирмай кўраман уларни.

Шу куни қуёш уфққа бош қўйгунга қадар Ҳакимахон Зиёвуддинова бошлиқ бригада далаларида бўлдик. Одамлар кайфияти билан қизиқдик. Уларда умидворлик кучли. Орзу-ҳавас бисёр. Бирови қиз чиқарсам, бирови келин қилсам, деб орзуласа, бошқа бири ўғил-қизининг ҳунарли булиши, ўқиб эл-юртга фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб етишишини истайди. Бунинг учун эса бутун ишлаш керак — бу ҳамманинг дилидаги гап. Вақт — ғанимат. Деҳқоннинг бир куни йилни боқади, деганлари шу бўлса керак-да.

— Худойим йиғлайман деган кўзга ёш, ейман деган оғизга ош берар экан, — дейди Ҳакимахон хаёлчан. — Сендан ҳаракат, мендан баракат, деганлари балки шудир. Деҳқонга ҳеч қачон осон бўлмаган, лекин у даласини ташлаб кетганини ҳеч кўрганмисиз?

Дала кезиб, бригадирнинг ҳам, бригада аъзоларининг ҳам шижоати баландлигини қайта-қайта ҳис қилдик. «Ғалла ҳам, пилла ҳам, пахта ҳам мўл бўлади» — кимдан сўрамайлик, шундай жавоб эшитдик. Пленка остида етиштирилаётган пахтадан эса мўлжал камида 48-50 центнер...

Энди сиз ҳам уни танийсиз, Ҳакимахон... Дарвоқе, эртага — «гап». Жўрабоши — яна Ҳакимахоннинг ўзи. «Гап»да нима гап бўлишлигини эса биламиз: ғалла, пахта, пилла....

Зайниддин РИХСИЕВ,
Зиёвуддин ОРТИҚҲЎЖАЕВ.

Паркент тумани Тошкент вилоятининг тоғ ҳудудларидан бўлиб, бу ерда сабзавот ва мевалар, айниқса узум кўп етиштирилади. Туманда бу маҳсулотлар қайта ишланишига ҳам катта эътибор берилмоқда. «Сўқоқ» жамоа хўжалигида жойлашган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш кичик корхонаси шулар жумласидандир. Корхонадаги консерва цехи йилига 3 миллион шартли банка ёпиш қурбига эга бўлиб, унинг омборида 1000 тонна сабзавот ва меваларни сақлаш мумкин.

СУРАТДА: технолог Йўлдош Қорабоев ва лаборант Муҳаббат Тожиевалар узумдан тайёрланган шарбатни лаборатоия усулида текшириб кўрмоқдалар.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Банк тизимида ислоҳот

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Андижон вилояти халқ депутатларининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида Президентимиз вилоят халқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди. Барча соҳаларда иқтисодий ислоҳотлар, янгиликларни ҳаётга татбиқ этишда, ободонлаштириш ишларида, аҳоли эҳтиёжини қондириш масалаларида улкан ишлар амалга оширилганлигини гапирди. Юртбошимиз айниқса, чигитни пленка остига экиш усулига алоҳида тўхталиб, бу истиқболли технология келгусида хом ашё ишлаб чиқариш тақдирини белгилашини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда вилоят қишлоқ хўжалигида катта ишлар амалга оширилди. Энг муҳими ўтказилаётган тажрибалар ўзини батамом оқлаб, катта иқтисодий самара бераяпти. Масалан, чигитни пленка остига қадаш усули шулар жумласидандир. Мазкур усул ҳосилдорликни 10-15 центнерга ошириш, сувни тежаш, ғўзага ишлов беришни камайтириш, пахтанинг таннархини пасайтириш ва бир қанча бошқа имкониятларни яратади. Шу боис ушбу усул республикамизга кенг ёйилмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар изчил жорий қилиниб, улар ўз самарасини бераётганлиги ва муваффақиятларга эришилаётганлигининг асосий омилларидан бири тармоққа намунали банк хизмати кўрсатилаётганлигидир. Пахтакорларга йил давомида иш ҳақи берилиб, банкда хизмат кўрсатиш даражаси такомиллашиб борилаётганлиги мўл ҳосил етиштириш гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

«Пахта-банк»нинг Олтинкўл тумани бўлимида амалга оширилаётган ишлар ҳам фикримизнинг далилидир. Хизмат кўрсатиш даражасининг яхшиланиб борилаётганлиги, иш ҳақини ўз вақтида бериб борилаётганлиги, ҳукумат қарорлари асосида етиштирилаётган ҳосилга аванс беришнинг йўлга қўйилаётганлиги, энг муҳими мижозлар билан яқин алоқа ўрнатилаётганлиги боис туман режаларини ҳар йили уддалаб келмоқда. Ҳосилдорлик ҳам йилдан-йилга ўсяпти.

Утган йилги кўрсаткичлар бу борада мисол бўла олади. 6290 гектар майдонда ғўза ўстирилиб, ҳар гектар ердан 31,3 центнердан ҳосил олинди. Жами 19673 тонналик хирмон яратилди. Хулас, пахтанинг ўзидан 243763 минг сўм даромад олишга эришилди. Айни пайтда давлат буюртмаси бўйича топширилган хом ашёнинг деярли ҳаммасига ҳақ тўланди. Хўжаликлар ихтиёрида қолган қўшимча толага ҳам маблағлар жамоалар ҳисоб-рақамларига келиб тушмоқда.

Молиявий хизматни яхши йўлга қўйилганлиги туфайли бу йил баҳорги ишлар ҳам ўз вақтида амалга ошириляпти. Чигит ўз вақтида экиб олинди. Уруғликнинг бир қисми пленка остига қадалди. Ҳозир ниҳолларга дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилган.

Бу йил олтинкуллик пахтакорлар 20200 тонналик оқ олтин яратиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу кундаги пахтанинг харид нархига кўра жорий йилда етиштириладиган хом ашёга 246 миллион 244 минг сўм берилиши керак. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра пахта хом ашёси учун олдиндан аванс тўлаш белгиланган. Ушбу қарорга биноан ҳозиргача 50 миллион 570 минг сўм маблағ келди. Унинг ҳаммаси хўжаликларнинг ҳисоб-рақамига ўтказилди. Пулнинг тегишли қисми далада ишлаётганларга иш ҳақи сифатида бериляпти.

— Иш ҳақининг ўз вақтида бериб борилаётганлиги, қурсаткичларнинг юқори бўлиши тармоқда иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли жорий қилишга ёрдам бермоқда, — дейди банкнинг туман бўлими бошқарувчиси Илҳомжон Солиев. — Асосий мижозларимиз ҳисобланган хўжаликларда режалар доимо уддаланиб келинмоқда. Биз уларга имкони борича енгилликлар яратиш, имтиёзлар беришга ҳаракат қиляпмиз. Хўжаликларнинг иқтисодиёти ҳам ўнгланиш сари юз тутган. Энг асосийси, Президентимиз, ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор бераётганлиги бизни ҳам хурсанд қиляпти. Ахир иқтисодиёти мустаҳкам мижоз билан ишлашга нима етсин?!

Банк бошқарувчиси ҳақ гапни айтди. Мижозларнинг иқтисодиёти мустаҳкам бўлса, уларнинг иши ҳам яхши, банк билан ишлаши ҳам осон бўлади. Олтинкулда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бундай жамоалар кам эмас. «Намуна» хўжалиги шуларнинг бири. Жамоа нафақат туманда, балки вилоятда иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлардан ҳисобланади. Утган йили 17 миллион сўмдан ортиқ фойда олинди.

Дарҳақиқат, жамоада бўлгур бошқа тармоқлар каби пахтачиликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 37,2 центнердан ҳосил олинди. Пленка остига экилган пайкалларда эса ҳосилдорлик 50 центнерга яқинни ташкил қилди. Натижада йил якунига кўра миришкорлар катта даромад олишди. Шу билан бирга уларга иш ҳақи ҳисобидан арзон нархда буғдой, пахта ёғи ва бошқа рўзғор учун зарур маҳсулотлар бериляпти.

Утган йили давлат буюртмаси бўйича топширилган пахтанинг пули тула олиб бўлинди. Хўжалик ихтиёридаги толага ҳам босқичма-босқич пул келмоқда. Ишнинг яхши йўлга қўйилганлиги боис бу йилги тадбирлар ҳам ўз вақтида амалга ошириляпти. Пахта ниҳолларини парваришлаш ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Жамоа хўжалигига тажрибали деҳқон, ўз ишининг фидойиси, бутун онгли ҳаётини деҳқончиликка бағишлаб келаётган инсон Мамажон ака Ҳамроев бошчилик қилиб келмоқда. У киши қарийб 30 йилдирки раислик лавозимида ишлаяпти. Утган йиллар давомида туман ва вилоят раҳбарлари Ҳамроевни қолоқ, иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликларга юборган пайтлар ҳам бўлди. Мамажон ака эса қайси жамоага бормасин, унинг иқтисодиётини кутаришга, одамларнинг турмуш шароитини яхшилашга ҳаракат қилди. Шу билан бирга бунга қисқа муддатда эришди ҳам. У киши раҳбарлик лавозимини ҳузур-ҳаловат, юмшоқ ориндиқларда, йиғилишларнинг турида утириш деб билмади. Кишилар кунглига йўл топиш, уларнинг иқтисодий шароитини яхшилаш, одамлар билан ишлай билиш Мамажон аканинг ҳар кунги юмушига айланди. Шу боис қаерда ишламасин, халқнинг ҳурматига сазовор бўлди, ишончини қозонди.

Мамажон ака билан дала айландик. Пленка остига экилган чигитдан униб чиққан ниҳоллар бир қаричга етай деб қолган. Бир текис бўлиб, баравж ўсаётган ғўзалар кўзни қувонтиради. Ерда нам етарли. Бегона ўтлар йўқ. Раиснинг гапларидан унинг кайфияти яхши эканлиги билиниб турарди.

— Президентимиз қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор бераяпти, — дейди Мамажон ака Ҳамроев. — Бу албатта, одамларни хурсанд қиляпти. Натижада ҳосилдорлик ошиб, илғор усуллар тезлик билан жорий қилиняпти. Пахтага ўз вақтида меҳнат ҳақи тўланаётганлиги, ҳукуматнинг тармоққа оид қарорлари ва хўжаликларнинг қарзларини тўлаш муддати 2000 йилгача узайтирилганлиги ишимизни янада жонлантириб юборди. Одамлар меҳнат ҳақини ўз вақтида олиняпти. Бу ишларда тамойил, банк ходимларининг хизмати катта. Биз уларнинг фаолиятидан мамнунмиз. Ҳозир ҳукуматимиз яхши ишлаш учун барча шарт-шароитларни яратяпти. Биз бунга фидокорона меҳнатимиз, яхши кўрсаткичлар билан жавоб беряпмиз.

Дарҳақиқат, Андижон вилояти деҳқонлари эришаётган муваффақиятларга «Пахта-банк»нинг вилоят бўлими жамоаси ҳам салмоқли ҳисса қўшяпти. Банк ходимлари йил давомида пахтакорларга, барча миришкорларга, умуман, тармоқ ишчиларига намунали хизмат кўрсатиб, уларга ўз вақтида маблағ етказиб беришяпти. Утган йили давлат буюртмаси бўйича топширилган пахта учун маблағнинг асосий қисми хўжаликларнинг ҳисоб-рақамларига келиб тушди. Жорий йилги етиштириладиган оқ олтин учун ҳам аванс бериш ишлари ниҳоясига етмоқда. Олинаётган пулнинг тегишли қисми далада ишлаётганларга иш ҳақи сифатида бериляпти.

— Мақсадимиз амалга оширилаётган улкан ишларга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиш, — дейди банкнинг вилоят бўлими бошқарувчиси Раҳматжон Холмирзаев. — Қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берилаётганлиги олдимизга масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Жорий йилнинг 25 январида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда малакатимиз раҳбари тармоқдаги аҳволни батафсил таҳлил қилди. Мавжуд муаммолар, ишга туганоқ бўлаётган омиллар тўғрисида гапирди. Шу билан бирга қайта ишлаш корхоналари ва молия муассасалари олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўйди. Биз ҳозир фаолиятимизни шу асосда ташкил этиб, деҳқонлар билан ҳамкорликни янада кучайтирганмиз.

Ҳ. КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

БИЗГА ҚАЙСИ ТЕХНИКА ФОЙДАЛИ

Шу йил 5 майда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойиши билан янги қишлоқ хўжалик техникаси буйича республика идораларо комиссияси тузилган эди. Яқинда ана шу нуфузли давлат комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси, Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Маркс Жўманиёзов олиб борди.

Йиғилиш иштироқчилари 1995—1996 йилларда Узбекистон Машина синаш станцияси томонидан синаб қўрилган чет эл тракторлари ва ерга ишлов берадиган техникаларни танлаб олишни муҳокамага қўйдилар. Бу масалада Республика Машина синаш станцияси директори вазифасини бажарувчи Нер Шарипов сўзга чиқди.

— 1995 — 1996 йилларда далаларимизда «Кейс», «Массей-Фергюсон» чет эл фирмаларининг тракторлари ва Украинанинг ерга ишлов бериш техникалари синаб кўрилди, — деди у. — Масалан, «Кейс» фирмаси трактори 1995 йилда Оқолтин туманида синовдан ўтганда «Т-4А+ПЯ-3-35»га қараганда ўзининг самарали ва сифатли ишлашини кўрсатди. Юқоридаги трактор соатига 0,38 гектар ҳайдаган бўлса, «Кейс» 0,99 гектарни шудгорлашга улгурди. Бу — 2,6 марта кўпдир. Шунингдек, машина синаш станцияси ходимлари 1996 йили Тошкент вилоятида «Массей—Фергюсон» фирмаси трактор ва плугларини ҳам синовдан ўтказди. Бу фирма агрегатлари ҳам ўзининг сифатли ва самарали шудгорлаши билан ажралиб турди. Украина культиваторлари эса энига 2,8 метрни бирваракайига олиб, ерга ишлов беришда талабга жавоб берди.

Мажлисда сўзга чиққанлар ҳозирги кунда республикамизда 60 фоиз қишлоқ хўжалик техникаси ўзининг аммортизация вақтини ўтаб бўлганлиги ҳақида гапириб, юқоридаги фирмаларнинг ҳаммаси билан алоқани узмасликни таъкидладилар. Чунки қишлоқ хўжалиги экинларини техника ёрдамида қанчалик тез экиб, йиғиб олинса, ҳосил шунчалик юқори, исрофгарчилик кам бўлади. Шунинг учун улар билан қўшма корхоналар қуриб, қишлоқ хўжалигига самарали ва сифатли техникани етказиб бериш керак бўлади.

Комиссия аъзолари иштирокидаги йиғилишда «Кейс» фирмасининг «Магнум» тракторлари ўзининг ишлов бериш агрегатлари билан Россия ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган техникага қараганда устунликка эгалиги тан олинди ва бу машиналарнинг олиб келинаётгани тўғри, деб топилди. «Массей-Фергюсон» фирмаси техникаси ҳам ҳозирги ишлатилаётган трактор ва агрегатларидан кўп жиҳатдан устунлигини кўрсатди. Бундан ташқари, «массей-Фергюсон» плуглари «Кейс» плугларига қараганда ўзининг ижобий жиҳатларига эга эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Шу боис комиссия «Массей-Фергюсон» трактор ва агрегатларининг бир нечтасини республикамизга олиб келиб, ҳар хил обҳаво шароитидаги ҳудудларда синаб кўришни тавсия қилди. Шунингдек, комиссия бу фирманинг сервис пунктларини очиш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхонасини ишга тушириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Ғулом ЮСУПОВ.

ТЕФАП ҲАМКОРЛИК ДЕМАКДИР

Европа ҳамжамияти мамлакатлари Иттифоқ тугагач мустақил тараққиёт йўлини танлаган республикаларга техник ёрдам кўрсатиш мақсадида ТАСИС дастурини ишлаб чиқишган, Ўзбекистонда 1996 йил июнь ойидан бери мазкур дастурнинг ТЕФАП лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ўтган даврда лойиҳа ижрочилари 14 марта ўқув-семинарлар ташкил қилишди. Уларда мутахассислар, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги ўқув юртларнинг ўқитувчилари, фермерлар ўқитилди. Ғарбий Европа мамлакатларига ижодий сафарлар уюштирилди, ташкилий ишлар амалга оширилди. Икки йилга мўлжалланган ТЕФАП лойиҳасининг шу аснода биринчи босқичи ниҳоясига етди. Энди навбат минтақавий ўқув-семинарларига. Яқинда Тошкент давлат аграр университетида «Бозор шароитида фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва бошқариш» мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди. Анжуманга Тошкент, Сирдарё Жиззах вилоятларидан мутасаддилар таклиф этилди. Йиғинни Узбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқармаси бошлиғи Х. Ҳамидов кириш сўзи билан очди.

— Қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган ўқув юртларимизда ўқитиш ишларини бозор талабларига мувофиқлаштириш шу куннинг талабидир деди у. Колледжларимиз фермерлар тайёрлайдиган асосий дарғоҳларга айланади. Бу масканларда билим олган боғбонлар, чорвадорлар сабзавоткорлар, қайта ишлаш корхоналарининг вакиллари ўз сохасининг пухта билимдони тадбиркор кишилари бўлмоқлари шарт. Бунинг учун Европа ҳамжамияти мамлакатлари таклиф этган бағараз ёрдамдан унумли фойдаланиш жуда муҳимдир.

Уч кун давом этган семинар-кенгаш мазмунлор, қизиқарли суҳбатларга бой бўлди. «Қишлоқ хўжалик ихтисосси бўйича ўқиш-ўқитиш», «Ғарбий Европа қишлоқ хўжалиги», «Қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг асослари», «Фермер хўжаликларини бошқариш принциплари», «Фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил қилиш», «Қишлоқ хўжалиги бозор иқтисодиётни шароитида», «Фермер хўжалигини режалаштириш «каби долзарб мавзуларда Майкл Джонс, Фил Армитаж , Абдулла Бойтмуҳаммедов, Абдухолиқ Мухторов, Алистер Бэйли, Вальтер Де Оливейра, Стюарт Микл ва бошқа мутахассислар ўқиган лекциялар тингловчиларга манзур бўлди.

— ТЕФАП бу ҳамкорлик демакдир, — дейди Майкл Джонс. — Европа ҳамжамиятининг Брюсел шаҳрида жойлашган штаби биз — мутахассисларнинг бу ерда амалга ошираётган ишимиздан қониқиш ҳосил қилди ва фаолият мухлатини яна бир йилга чўзди.

Тошкент давлат аграр университети маъмурияти семинар қатнашчиларга тўлиқ шарт-шароит яратиб бергани ҳам анжуманни кўтаринки руҳда ўтишига ижобий таъсир кўрсатди. ТДАУ ректори, профессор Хасан Бўриев тадбирни таҳлил қилиб, унинг иштирокчиларига эзгу тилаклар изҳор этди. Навбатдаги минтақавий ўқув семинарлар Фарғона, Самарқанд ва Тўрқўл шаҳарларида давом эттирилади.

Баҳром ҚАҲҲОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ФЕРМЕР НЕГА ХУНОБ?

1997 й. 23 май № 41

Бу сарлавҳани ўқиб, республикамизнинг турли бурчакларидаги фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун фидойилик кўрсатаётган минглаб, ўн минглаб тадбиркорларда «Қаердаги ҳамкасб елкадошимиз муаммога дуч келибди? Уни қандай масала қийнаётган экан?» деган савол туғилиши табиий. Шунинг учун гашнинг индаллосидаёқ кўмакка муҳтож бўлиб турган фермернинг манзилини, исми-шарифини айтайлик: у Бухоро вилояти Олот тумани, «Узбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Муртазо бобо» деҳқон-фермер хўжалиги етакчиси Рўзимурод Диниевдир.

Бу тадбиркор киши деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этишининг ўзига хос боиси бор. Унинг падари бузруквори — иккинчи жаҳон уруши жангу жадалларида оёғи жароҳатланиб, ногирон бўлиб қайтган Муртазо Диниев умрининг сўнгги йилларида бир орзуниият билан яшаганди. Ўжамоа хўжалиги ҳудудининг энг чеккасидаги неча ўн йиллардан бери фойдаланилмай келаётган, қум барханларию бутазорлардан иборат бўлиб қолган ерни ўзлаштириб, ризқ-рўз яратиладиган замин қаторига қўшишдек эзгу ниятни ўғли Рўзимуродга айтган ва бу ишни кичик жамоа кучи билан амалга ошириш мумкин эканлигини тайинлаганди. Рузимурод Диниев отасининг ана шу ўгитларига амал қилиб, 1994 йили баҳорда фойдаланилмай ётган ерларни синчиклаб кўздан кечирди ва бу заминни ўзлаштириш мумкин деган хулосага келди. Ўз мақсадини Олот тумани ҳокимлигига маълум қилди. Ҳокимликнинг 1994 йил 28-мартда қабул қилинган 74-қарорига мувофиқ мустақил деҳқон фермер хўжалигини ташкил этиш ва унга фойдаланилмаётган ерлардан 50 гектар ажратиб бериш тадбири белгиланди. Рузимурод Диниев отасининг эзгу нияти ва уз режаси амалга ошаётганидан хурсанд бўлиб, деҳқон-фермер хўжалигига «Муртазо бобо» деб ном қўйди. У энг аввало ишни қум барханларини четга суриб ташлаш,. майдонни бутазорлардан тозалаш, бу ерга суғориш шохобчаларини олиб келиш сингари юмушлардан бошлади. Туман ҳокимлигининг кўмаги билан 2,5 километр узунликдаги бетонлаштирилган кичик суғориш шохобчаси вужудга келтирилди. Ана шу ариқ икки ёнига ва ўзига ажратилган ер майдонининг теварак-атрофига 2 минг тупдан зиёд терак, тол кўчатларини, 1000 тупдан ортиқ ток қаламчаларини экиб, уларнинг ўсиб-ривожланишини таъминлади. 1994 йили ва 1995 йилнинг баҳоригача унга ажратилган майдонларнинг 30 гектари барча талаблар даражасида тўла узлаштирилмаган бўлсада, лекин экин экиб ҳосил олиш мумкин бўлган ҳолатга келтирилди. Фермер мамлакатимизда галла мустақиллигини таъминлаш асосий вазифалардан бири эканлигини назарда тутиб, 1995 йил ҳузида ерларнинг маълум қисмига дон сепиб, ундириб олди. Янги ерлари қишлоқ хўжалик оборотига киритишда дастлабки йилларда полиз экинлари алоҳида аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, майдонларнинг каттагина қисмига қовун-тарвуз экди. Қилинган саъй-ҳаракатлар ўзининг дастлабки меваларини берди. Деҳқон-фермер хўжалиги 1996 йили давлатга 11 тонна бугдой, 21 тонна полиз маҳсулотлари сотди.

Афсуски, ўтган йилдан бошлаб деҳқон-фермер хўжалиги олдида бир қатор муаммолар пайдо бўла бошлади. Уларнинг асосийси сув таъминоти билан боғлиқ. Деҳқон-фермер хўжалиги экин майдонларини «Узбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтувчи «Нархоса» ариғи ёки «Гулистон» жамоа хўжалигидаги бетон ариқ орқали суғориш мумкин. 1995 йилда фермер ўз ерларини «Нархоса» ариғи орқали суғорган эди. Лекин 1996 йилдан бошлаб «Узбекистон» жамоа хўжалиги раҳбарияти, айниқса, 11-бригада бошлиғи Худойберди Наврўзов, унинг мироб укаси Меҳмон Наврўзовларнинг фермер далаларига сув ўтказилишига рағбатлари бўлмай қолди. Худди шу масалада бригада бошлиғи Х. Наврўзов, унинг укаси М. Наврўзов ҳамда фермер Р. Диниевлар ўртасида зиддиятлар юзага келиб, нари-берига ҳам боришди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари фермернинг қадр-қимматини ҳимоя қилишиб, нотўғри хатти-ҳаракат қилган кишига нисбатан тегишли чора кўришди. Бу воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтганига бир йилдан ошганига қарамай фермер хўжалигини сув билан таъминлаш масаласи ҳалигача тўла ҳал этилмади.

Сув масаласида кўп қийинчиликларга дуч келган фермер Р. Диниев Бухоро вилояти ҳокимлигига мурожаат этди. Уч кишидан иборат мутасадди мутахассислар масалани атрофлича ўрганиб чиқдилар ва унинг энг мақбул ечимини тавсия этишди. Бунга кўра «Узбекистон» жамоа хўжалиги бевосита иштирокида Аму—Қоракўл каналидан олинадиган сув миқдорини бирмунча кўпайтириш учун тегишли ускуналар, насослар ўрнатиш ва «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтадиган бетон канал орқали фермер хўжалиги экин майдонларига сув ўтказиб берилишини таъминлаш кўзда тутилди. Ана шу тадбир белгиланганига ҳам орадан икки ой ўтган бўлса-да, фермер хўжалигини оби-ҳаёт билан тўла ва кафолатли таъминлаш масаласи охиригача ҳал этилмади.

Фермер хўжалигида бўлиб, вазият билан атрофлича танишдик. Тадбиркор Р. Диниев дилидагиларни қуйидагича изоҳлади:

— Ўтган йили кузда фермер хўжалигимизга сув ажратилганида ўнлаб гектар ерга галла экиб олган бўлардик. 1996 йили 11 тонна дон сотган бўлсак, бу йил ана шу кўрсаткични 25-30 тоннага етказишимиз мумкин эди. Ўртадаги ноаҳиллик, атрофлича фикр юрита билмаслик сабабли шунча миқдордаги ризқ-рўзни етиштириш имконияти бой берилди. Бу йил баҳорда амал-тақал қилиб 4 гектар ерга тарвуз, бир гектар ерга қовун, 3 гектарга қунжут экканмиз. Ана шу экинлар мана ўзингиз кўриб турганингиздек сувга талабгор бўлиб турибди. Куннинг иссиғида сўлинқираб, гўё бизга илтижо қилаётган ўсимлик ниҳолларига қараб юрагим ачишиб кетяпти...

Дарҳақиқат, фермер хўжалиги аъзолари халқимиз учун зарур бўлган ризқ-рўз етиштириш учун қўлларидан келган барча тадбирларни кўришмоқда. Назар Ҳамдамов, Умил Авезов, Рустам Маматов, Маъмур Ҳамдамов сингари мирзачўлликлар экинларга меҳр билан ишлов беришяпти. Улар фермер хўжалиги даласидан қайтаётганимизда «Сув масаласи тезроқ ҳал бўлса, кунгимиз ёришар, ишимиз ривожланар, хирмонимиз баракали бўларди», дея дил изҳорларини билдиришди. Уларнинг ана шу фикр-мулоҳазаларини «Узбекистон» жамоа хўжалиги, Олот тумани ҳокимлиги раҳбарлари эътиборга ҳавола қилиб, юқорида кўтарилган масала изчил ҳал этилади, деб ўйлаймиз.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

«Qishloq hayoti» ko'ngillarga orom va quvinch tilaydi

ДУШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бастакор Мухторжон Муртазоев».
9.05 «Замин фидойилари». Тележурнал.
9.30 «Алдар Қўса». Мультфильм.
9.45 «Табиат шайдолари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Абдуҳамид Чўлпон. «Асорат». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Еш томошабинар театрининг спектакли.
11.55 «Шифокор экрани».
12.25 «Дил тароналари». Фильм-концерт.
12.40 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 Мустақиллик кубоги. Бокс буйича Халқаро турнир.
19.05 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари». «Сахна ҳаёти».
21.40 «Маърифатнома».
22.20 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Авлодимиз».
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигох».
22.40 «Спорт китъаси».
23.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Кругозор». Тележурнал.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Мулоқот». Қисқа метражли бадиий телефильм.
22.05—22.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Британия кундалиги».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Хайр, мактаб!».
20.40 «Сўз — сизга».
20.55 «Авторейд».
21.05 «Ракурс».
21.35 «Спорт-тайм».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Гўзаллик ва мангулик ҳакида».
23.20—23.50 «Замандас».

СЕШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Гулла, яшна, Она-Ватаним». Фильм-концерт.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳр нури».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Инглиз тили.
11.00 «Абитуриент-97». Тест синовларига тайёрмисиз?

11.30 «Катта танаффус» янгиликлари.
11.50 Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
12.10 «Қизиқарли учрашувлар».
12.40 «Лўли». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.35 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кунгирокча».
18.30 «Спорт. Спорт. Спорт».
19.00 «Шарқ тароналари».
19.15 «Тамоиллар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Туртинчи ҳокимият».
21.20 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Япония ҳақида ҳикоялар».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 «Пардали гап».
22.50 «Замон».
23.00 «Альманах ТВ».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Авлодимиз».
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигох».
22.40 «Спорт китъаси».
23.35 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
23.50 — 00.10 «Акс».

III

17.15 Янгиликлар.

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Самога йўл». Премьера.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Кабутарлар — муҳаббатим менинг». Телекўрсатув.
22.05—22.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
20.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
20.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Долзарб репортаж».
21.35 «Фан ва технология».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Янги иқтисод».
23.30—23.55 Немис тилида кўрсатув.

ЧОРШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
8.45 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Ҳунари бор, ҳор бўлмас».
9.05 «Алпомиш авлодлари». Миллий кураш.
9.40 «Инсон манфаатлари йўлида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Дорбозлар». Кўқон шаҳридаги дорбозлар ва кўғирчоқ театрлари фестивали.
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Самсон ва Салли». Мультфильм.
11.55 «Изланиш самаралари».
12.25 «Шарқ тароналари».
12.40 «Бувам, Килиан ва мен».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кунгирокча».
18.30 «Спорт. Спорт. Спорт».
19.00 «Шарқ тароналари».
19.15 «Тамоиллар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 Бухорининг 2500 йиллигига. «Бухорои Шариф».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 «Автоолам».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Спорт китъаси».
19.05 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.25 «Кинонигох».
22.55 «Зерикмай десангиз».
23.25 «Спорт китъаси».
23.25 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Шарқ тароналари». Мусиқашуносларнинг халқаро симпозиуми.
21.55—22.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ирэндек».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Азизим».
20.40 «Таклифлар ва таширфлар».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Тошкентнома».
21.50 «Бу ажиб дунё».
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05—23.55 «Экстремал ўйинлар».

ПАЙШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Исмоил Жалилов куйлайди». Фильм-концерт.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Кичкинтой устахонаси».
11.00 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Қизикчи».
11.35 «Истиқболга интилиб». Публицистик кўрсатув.
11.55 А. С. Пушкин. «Олтин балиқча». Хоразм давлат кўғирчоқ театрининг спектакли.
12.35 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус». Сўнгги кўнгирок. Шоу дастури.
18.50 Дилнавоз садолар.
19.05 «Билиб қўйган яхши».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 Бухорининг 2500 йиллигига. «Бухорои Шариф».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 «Автоолам».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.15 «Спорт китъаси».
9.25 «Тулпор».
9.40 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.00 «Услуб».
10.05 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.15 «Олтин кент».
10.30 «Мусиқий шарҳ».
10.40 Ишбилармонлар ҳафтаси.
10.55 «Акс».
11.15 «ТВ плюс...»
11.30 Фортепиано дуэтлар фестивали. 1-қисм.
11.45 «Зерикмай десангиз».
11.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.15 — 14.05 «Кинонигох».

* * *

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Бугун пайшанба дастурида.
18.20 Эълонлар.
18.25 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.40 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кунгил кунгилга пайванд».
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигох».
23.40 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
23.55 — 00.15 «Спорт китъаси».

III

17.15 Янгиликлар.

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Гав лакабли мушукча», «Ялқов қизча». Мультфильмлар.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Панд еди». Бадиий фильм (АҚШ).
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион радиий фильм.
19.55 «02» тўлқинида.
20.10 «Минг бир маслахат».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Эльдорадо». Телесериал.
21.05 «Жаҳон дурдоналари».
21.35 «Каталог».
21.45 «Коктейль плюс».
22.15 «Интер-спорт».
22.25 «Эллада».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20—23.35 «Компьютер-ревю».

ЖУМА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ёшлар ҳиром айлаганда». Фильм-концерт.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Кураш. Осиё ўйинлари олдидан.
9.30 «Оламни асранг».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Немис тили.
11.00 «Абитуриент — 97». Тест синовларига тайёрмисиз?
11.30 «Насримиз уфқлари».
11.50 «Ором гоҳлар мавсумга шаймиз?».
12.35 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Соғлом авлод учун».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Синфдош». Сўнгги кунгирок.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». Публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 Хиванинг 2500 йиллигига. «Меҳр макони». 1-қисм.
22.00 «Эртага — шанба».
22.15 «Хуш келибсиз».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.15 Дилнавоз садолар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ринг».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.15 «Кўзмунчоқ».
9.35 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.50 «Дубляж».
10.10 «Олтин кент».
10.25 «Хозиба».
10.40 «Зиндаги ёвуз муҳаббат».
11.05 Видео — «О».
12.35 — 13.05 «Спорт китъаси».

* * *

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.40 «Телевидение ва театр».
19.00 «XXI аср авлодлари».
19.20 «Бугун кино оқшомида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигох».
23.10 «Ханда дукони».
23.30 — 00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Мусиқа ҳамма учун».

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Футбол. Йил матчи. Финал Чемпионлар лигаси. «Боруссия» (Германия) — «Ювентус» (Италия). Эзиб олинган.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Олам ва одам».
20.25 «Маънавият ва Ислом».
20.55 Эълонлар.
20.55 «Эльдорадо». Телесериал.
21.25 «Қанотлар».
21.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.15 «Жума куни, ишдан сўнг».
22.55—23.25 «Рангинкамон».

ШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Насиба». Фильм-концерт.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.00 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
10.25 «Ҳангома».
10.40 «Ёшлар ва замон».
11.15 «Хотира». Узбекистон халқ артисти Ҳ. Наримонов.
11.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан. «Оналар мактаби».
12.10 «Янги кун». «Томоша» болалар-фольклор этнографик ансамблининг концерти.
13.10 — 14.35 «Ёввойи оққушлар». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олам нурга тўлаверсин». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан.
18.35 «Бир кўшиқ тугагунча».
18.55 «Исмлар тарихи».
19.05 «Хайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Рақслар гулдастаси.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Бизнес-академия».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг якунларига доир. «Муштарак диллар экрани».
22.30 Диққат, премьера: Ю. Розиков, «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 35-қисм.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Жаҳон киноси юлдузлари. Ал Пачино.
23.45 «Сени сев

Ойнома

ЖАВЗО

Мана, боғ-роғларга қўрқу тароват бағишлаган савр ўтиб, 21 майдан жавзо ойи ҳам ташриф буюрди. Олдинги ойлар ҳосили ҳисобланмиш жавзо ўзига хос жозиба ва хусусиятларга эга. Халқимизда жавзода ҳосил жизиллар, деган гап бор. Бу ойда бободеҳқон ташвиши янада ортади. Жавзо айниқса пахтакорга синовдир. Кузда хирмон баракали бўлиши учун деҳқон ҳам, ҳосил ҳам жавзонинг оташли қозонида тобланиши зарур.

Жавзони «Етти сариқ ойи» деб ҳам атайдилар. Чунончи, бунда шу ойда пишиб етилувчи етти неъмат — тут, ўрик, гилос, олича, бутдой, арпа ва тариққа ишора ҳам бор. Ҳа, жавзо ўз жозибаси билан жисму жонга куч-қувват бахш этади. Жавзо қуёшининг саховатидан бутдойзорлар олтин тусга кириб, ғалламкор ҳосил йиғишга киришади. Ғалладан омборлар тўлиб, деҳқон кўнгли ҳам тоғдек юксалади. Янги бутдой унидан тайёрланган нонинг муаттар ҳаётбахш бўйи олис-олисларга таралиб, бу нонни еганларнинг нафақат қорни тўяди, балки дунёда энг муқаддас неъмат — нонинг улуғлигини дилдан туяди. Мирза Бобур Ватанидан узоқлардан ана шу муқаддас нон бўйини соғинч билан қўмсаб ўтгани рост-ку.

Бошоқлари сарғайиб-қизариб,
чайқалиб, ўришга мунтазир турган бутдойзор тавсифини шоир Мирзо Турсунзода шундай таърифлайди:

Бутдойзор узра олтин бошоқлар,
Бошини ҳам эттани замон,
Ҳар кекса ёш қувончларга
Тўлиб кетгай жумлан жаҳон!

Шундай қилиб жавзода табиат бободеҳқонга ато этган неъматлар эл дастурхонини тўлдириб, борингки, бутун жонзодлар ризқи сифатида ерга сочилади. Жавзодаги илк даромаддан деҳқон уст-бошини бутлаб олгани учун ҳам «Етти сариқ»да деҳқон орқа қурагини бутлаб олади», деган нақл халқ орасида юради.

Жавзода экин деҳқон меҳрига зор бўлади. Деҳқонлар экинзорларни ўғитлаши, сув таратиши, қўплаб ишлов бериши даркор. Хусусан пахтазорларда «қирқ кокил» қилиб сув таратишнинг хислати катта. Боғбонлар учун ҳам жавзо иш фасли. Улар ҳар дарахтга, айниқса, ёш ниҳоллар парваришига алоҳида эътибор беришади. Бу ҳақда доноларимиз шундай дейишган:

Уруғ сочганинг эмас,
Тўла-тўкис унгани ҳисоб,
Бир текисда ривожлангани ҳисоб.

* * *

Қанча кўчат ўтказганинг эмас,
Бари бехато ўсгани ҳисоб!

* * *

Манглай теримиздандир бошдаги тожимиз ҳам,
Куч-қудратимиздандир асли дилхирожимиз ҳам.

* * *

Гўёки қўлда лиммо-лим жом,
Қуёш яproқларга зар қалам тортар.

Аммо жавзода ёққан ёмғир ўта зарарли. Сабаби ҳаво қизигида ўсимлигу дарахтларнинг барглари қўп ҳароратли бўлиб, ҳар бир томчи ёмғир ширага айланади. Шунинг учун ният қилайлик, бу йилги жавзо юртимизга қут-барака олиб келсин.

Йўл ёмону яхшисидан ема ғам,
«Бисмиллоҳ» дегилу қўйгул қадам!

Иш бошласанг, яхши ният, қут билан,
Олдингдаги ҳар бир мушкул пуч бўлар!

Р. ЖУМАНИЁЗОВ.

ЭКРАН ЮЛДУЗЛАРИ БАҲСИ БОШЛАНДИ

XALQARO KINOFESTIVALI TOSHKENT-97 INTERNATIONAL FILM FESTIVAL

Йилнинг энг гулгун ойи — май кириши билан республика матбуотининг барча нашрлари, радио ва телевидение бўлажак XII Тошкент кинофестивалига тараддуд ҳақидаги хабарларни бера бошлади. Ниҳоят, орзиқиб кутилган муборак кун келди. Юртимиз ҳар қачонгидан нурафшон бўлиб, кино юлдузлар ташрифи, таниш чеҳралардаги табассумлар гўё осмонимизни ёритиб юборгандай, пойтахт чиройига чирой қўшилди.

Куни кеча азиз меҳмонлар муҳташам Халқлар дўстлиги саройига йиғилишди. XII халқаро кинофестиваль очиқ деб эълон қилинди. Машҳур санъаткорлар ижросида концерт томошаси бўлиб ўтди. Илк учрашувданоқ меҳмонлар халқимиз меҳмондўстлигини ҳис этишди. Тақдим этилган анвойи гуллар киноижодкорлар кўнглини тоғдай кўтарди. Қалби кенг, меҳри дарё, маънавияти юксак, эътиқоди бутун мезбонни учратган меҳмонлар кўзида чексиз миннатдорчилик туйғуси порлади. Муқаддас шаҳар — Тошкент бўйлаб танишувлар бошланди. Юртимизга ташриф буюрганларнинг кўпчилигига илк дуоларни Тошкент кинофестивали берган эди. Улар шу замин руҳи билан дунёга танилганини ҳануз унутишмаган. Бу гал Истиқлол шарофати билан яшнаб-яшнаётган, тобора жаҳонни ўзига жалб этаётган муъжизавий шаҳарнинг ёқимли шабадасидан куч-қудрат тўплаб кетишга келишган улар. Ният, — ўзига омад бағишлаган ўзбек томошабинларини янги кинотасмалар билан сийлаш.

Япония, Миср, Италия ва Эрон кино юлдузлари юртимизга биринчи бўлиб қадам ранжида қилишди. Энди барча кинофестиваль қатнашчиларини қизғин учрашувлар, баҳсу суҳбатлар, сайр томошалар кутмоқда. Ташрифингиз қутлуғ бўлсин, азиз меҳмонлар!

Д. САЪДУЛЛАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



СУРАТЛАРДА: 1. Бангладеш киноюлдузи Бибитахоним.
2. Али бобо ва қирқ қароқчи фильмидан лавҳа.

ФЕСТИВАЛНИ ОЛҚИШЛАБ

Муҳаммад МАҒДИ ДАЙФ,
Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси, матбуот шўъбаси раиси:

— Тошкент Халқаро кинофестивалини йирик анжуман деб биламан. Мазкур фестивалнинг қайта тикланишини «Буюк Ипак йули»ни маданий жиҳатдан қайта тиклаш билан қиёслаш мумкин. Чунки «Буюк Ипак йули» Ғарбни Шарқ билан фақатгина савдо-сотиқ, товар айирбошлаш мақсадида боғлабгина қолмай, Ғарб маданиятини Шарқ маданияти билан узвий боғловчи йўл ҳам бўлган.

Тошкент фестивали турли қитъа ва давлат вакилларини Ўзбекистоннинг қўҳна тарихи ва ҳозирги тараққиёти билан кенг таништириш учун қулай фурсатдир. Зеро, улар ичида Ўзбекистонга илк бор ташриф буюрган меҳмонлар борки, бу яна ўз навбатида Ўзбекистонда сайёҳликни тараққий топтириш учун муҳим бир туртки бўлиши табиийдир.

Мен Тошкент Халқаро кинофестивалига қадам ранжида қилган меҳмонларнинг ўзбекистонликларга хос бағрикенглик, саховат каби инсоний сифатларни ўз кўзлари билан кўришларига, Ўзбекистон чиндан ҳам меҳмондўст эл эканлигига ишонч ҳосил қилишларига шубҳам йўқ.

Фестивал ташкилотчилари келгусида бундай анжуманнинг ҳар бир қатнашчисига у қайтаётган чоғда кинофестивал тадбирлари акс эттирилган ва ўзбек, инглиз ва рус тилларида шарҳланган махсус видеокассеталар тақдим этсалар деган таклифим бор. Шунда бу кино тасмалар меҳмонлар юртида ҳам намойиш этилиб, кўплаб давлатларда мазкур тадбирлардан воқиф бўлардилар. Миср пойтахти Қоҳирада ўтадиган анъанавий кинофестивалларда бундай видеокассеталар меҳмонларга тақдим этилади. Бу сўзсиз, фестивалдан қоладиган яхши эсдаликдир.

Турди НОДИРОВ,
«Ўзбеккино» ДАКИ қошидаги республика «Видеомарказ» директори ўринбосари, кинотасвирчи:

— XII Тошкент Халқаро кинофестивали биринчи марта мустақил равишда ўтказилмоқда. Бу эса ўз навбатида биз ижодкорларга катта синов ва мактаб вазифасини ўтайди. Чет эллардан келтирилган фильмларни кўриб, турли давлат кинонамоёндалари билан мулоқотда бўлиб, ўзимизда яратилган фильмларнинг қайдаражада эканлигини аниқлаб оламиз. Анжуманда ўзаро ҳамкорликда яратиладиган фильмларнинг пойдеворига асос солинади.

Диёримизга ташриф буюрган киноижодкорлар билан бўладиган мулоқотда биз мустақил республикамизнинг бугунги куни ва истиқболи ҳақида суҳбатлар ўтказамиз.

Республика «Видеомарказ»и ижодкорлари фестивалининг унутилмас дақиқаларини кинотасмаларга муҳрлайдилар.

Фестиваль қатнашчилари, узоқ ўлкалардан келган меҳмонларни, қадрдон дўстларимизни улкан анжуман билан муборакбод этаман!

Суҳбатдош:
Феруза НОДИРОВА.

ЖОЗИБАСИ ЎЗГАЧА

Олти Қорлиев номидаги туркман киноси етмиш йиллар мўқаддам таркиб топган бўлиб, ўз республикаси билан қадамба-қадам барча босқичларни босиб ўтиб, ўзига хос киносолнома яратган.

1926 йили «Туркманфильм» студиясида биринчи ҳужжатли фильмлар яратилди. 1929 йили туркман деҳқони ҳақида ҳикоя қилувчи «Оқ олтин» деган биринчи бадиий фильм экранларга чиқарилади. Ўша кундан бошлаб студиянинг барча ишлари республика ҳаётининг муҳим воқеаларига бағишланди.

Туркман киносида айниқса «Ер ташна» фильми дурдона асарлардан бўлиб, унда саҳрога ҳаёт бағишлашга келган фидокор кишилар ҳақида ҳикоя қилинади. Уруш йиллари Ашгабадда бир қатор қардош республикалар кино усталари ижод этишди. Бу эса ўз навбатида туркман киносининг келгуси ривожига таъсир этди.

Тинч қурилиш даври, бунёдкорлик, яратувчилик йўлидаги ташаббуслар «Чўпон ўғли», «Кекса Аширнинг ҳийласи», «Оила номуси», «Олисдаги келин», «Дурсун», «Дадил қадам», «Ташналикнинг қондирилиши», «Мақом сирлари» каби фильмларда ўз аксини топди. Бу асарларда инсон омили, маънавий дунёси биринчи ўринда турган. 70-йиллардан бошлаб самарали ижод этиб келаётган акаука Норлиевлар, машҳур актриса Майғузал Аймедоваларни кўз олдимизга келтирамиз. Кинорежиссёр Хужақули Норлиев ва бош роль ижрочиси М.Аймедоваларнинг «Келинчак» фильми туркман имконияти жаҳонга танитди. Бу картинанинг муваффақияти туркман аёллари ҳақидаги «Отни аёл эгарлаганда», «Жамол дарахти» каби фильмларни яратишга ундади.

Туркман киноижодкорлари кейинги йилларда экран имкониятларини, тасвир услубларини чуқур ўрганган ҳолда фалсафий умумлашмалар сингдирилган фильмлар яратдилар. Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» қиссасидаги бир ривоят асосида «Манқурт», Махтумқулига бағишланган «Бахтидан айрилган Фироқий» каби фильмлари билан қўшни республикалар ва чет эл кино қуриклари ва катнашдилар. Жумладан, ўтган Тошкент кинофестивалларида туркманларнинг «Манқурт» ва «Бахтидан айрилган Фироқий» фильмлари мухлислар томонидан қизғин кутиб олинди.

Танлов экранига тавсия этилган «Ёндим» фильми собиқ шўролар даврида маънавий оламнинг икки қутбида яшаган ака-уканинг фожиали тақдири ҳақидаги фалсафий асардир. Мазкур фильм Берлин, Сочи, Монреал, Теҳрон кинофестивалларида танловдан ташқари намойиш этилган.

«Арчали одам» фильмида ҳар бир инсон ўз олами, ўз ақидаси, ўз дунёқараши борлиги кўрсатилиб, булар учун курашмоқ, ҳатто қурбон бўлиш ҳам муқаррарлиги таъкидланади.

Ўйлаймизки, туркман кино ижодкорларининг янги асарлари Тошкент фестивали экранидан муносиб ўрин олади.

Жамила АСАДОВА.

1997 — Инсон манфаатлари йили

«ОРОМ» ОРОМГОҲИ

Бағдод тумани табиатининг ўзига хос хусусиятлари бор: деҳқонлари ишбилгувчи ва меҳнатсуяр, еру замини деҳқонни меҳнатига яраша сийлагувчи. Боғлари болга тўла. Ариқларларидан қишин-ёзин тўлиб-тўлиб сув оқади. Чўпни қадасанг, мева беради.

Баҳаво, қўркам боғлар орасида «Ором» сиҳатгоҳи жойлашган. Ўта қулай табиий шарт-шароит мавжуд. Денгиз сатҳидан анча юқори жойлашгани боис майин эсган шабода ҳатто саратон иссиғида ҳам кўнгилларга ҳузур бахшида этади.

Азим толлар оралиғидаги зилол ҳовузлар юзи жимирлайди. Қирғоқлари жилоланган харсанг тошлар билан ўралган ҳовузларда дилларга малҳам бергувчи балиқларга бир нигоҳ ташланг-а, ҳордиғингиз чиқиб, қувватингизга қувват қўшилиб, руҳингиз қушдек енгил тортади.

Фарғона водийсида «Ором» сиҳатгоҳининг ўрни бор. Бу ерга саломатлигини тиклаш истагида келаётганлар сафи кундан-кунга кўпаймоқда.

Асаб хасталиклари, марказий асаб тизимининг функционал хасталиклари, фалажлик билан азоб чекаётган, бел оғриғи, бош ва орқа мия бурҳонларидан кейинги даврида бетобланганлар саломатликларини қайта тиклашлари мумкин. Таянч ва ҳаракат, юрак-томир аъзолари хасталиклари билан оғриб шифо топганлар ҳам бу ердаги хизматчилардан мамнунлар. Сиҳатгоҳнинг ўзига хос даволаш усули бор. Бу ерда минерал сувдан оқилона фойдаланилмоқда.

Замонавий физиотерапия аппаратлари даволанувчилар хизматида.

— Мақсадимиз аниқ: дарҳоҳимизга келган ҳар бир инсон хушнуд бўлмоғи лозим, — дейди сиҳатгоҳ бош шифокари Муроджон Шерматов. — Шифо маскани Бағдод дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти оталиғида. Даволанувчилар ҳам кўпроқ шу соҳанинг жонкуяр ишчи-хизматчилари. Ҳозир сиҳатгоҳимизда 34 ўрни бор. Яна 60 ўринли иккинчи бино қурилиши давом этмоқда.

Оромгоҳ ҳудудида Ўзбекистонда етиштириладиган деярли барча мевали ва манзарали дарахтлар бор. Дам олиб даволанувчилар эҳтиёжи учун сабзавотлар экилган. Хуллас, бир қарич ер ҳам назардан четда қолмаган. Ҳалол меҳнат-ҳузур халоват ва роҳат пойдеворидир.

«Келганда дорул замон, нощукур бўлган-ёмон». Бу ҳикматни сиҳатгоҳда бир мўйсафиддан эшитдик. Унинг бу ерга хасса билан базўр келиб, эркин-эмин, қийналмай-бемалол юриб шифокорлар ҳақига дуо айлаб қайтаётганини кўриб қувонасан, киши.

Уринбой КЕНЖАЕВ.

***

СУРАТДА: (ўнгдан иккинчи) Бағдод дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳошим Муллаев сиҳатгоҳда дам олаётганлар билан суҳбатлашмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

ҚУТЛОВ

Қадрли Рустам Аҳмедович Шоҳмардонов!

Таваллуд топган кунингизга олтмиш йил тўлиши муносабати билан Сиз етакчилик қилаётган Бухоро лойиҳа-қидирув гидрогеология экспедицияси жамоаси, барча дўсту ёронларингиз, қадрдонларингиз номидан йўлланаётган ушбу самимий табрикномани қабул этинг. Бу қутловга Сиз туғилиб ўсган, болалик ва ўсмирлик йилларингиз кечган Хатирчи тумани Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигининг Қўнғирот қишлоғидаги жигарларингиз, қариндош-уруғларингиз ҳам қўшилишиб, ўзларининг энг яхши ният-истакларини изҳор этишган.

Бухоро вилояти агросаноат мажмуи ходимлари, хусусан, сув хўжалиги мутахассислари Сиз қарийб қирқ йилдан бери кўҳна заминни гуллатиб -яшнатишга, ерларнинг мелиоратив ҳолати, сув таъминотининг яхшиланишига, чўлларга оби-ҳаёт олиб келинишига муносиб ҳисса қўшиб келаётганлигингизни жуда яхши биладилар ва хизматларингизни эътироф этадилар. Аму-Қоракўл, Аму-Бухоро каналлари, «Ҳамза—1», «Ҳамза—2» «Қуйимозор», Қизилтепа насос станциялари қурилишида етакчи мутахассис, отряд, экспедиция бошлиғи сифатида фаол иштирок этганлигингиз, кўплаб мураккаб масалалар ечимини топишда малака ва тажрибангизни ишга солганлигингизни тармоқ ходимлари ҳамиша қадрлайдилар. Кўплаб мукофотлар, нишонлар билан тақдирланганлигингиз ҳам бундан далолат беради.

Умрингизнинг олтмишинчи довонидан ошган муборак кунларда яна бир карра қутлар эканмиз, Сизга келгусидаги ишларингизга муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Турмуш ўртоғингиз Тиниқ ая билан фарзандларингиз — Шавкат, Шуҳрат, Гулнора, Насибахонларнинг орзу-ҳавасини, камолини кўриб, кўплаб набираларнинг бува-бувиси бўлиб юришларингизни, катта хонадонингиздан доимо қут-барака аримаслигини ният қиламиз.

Ҳурматли Абдусалом Шемиров!

Сизни туғилган кунингиз муносабати билан ҳамкасбларингиз — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Бозорбой Очилов номли 22-ўрта мактаб жамоаси, қавму-қариндошларингиз, устоз ва шогирдларингиз номидан муборакбод этамиз. Бу табрикка қарийб йигирма йиллик педагоглик фаолиятингиз йилларида Сиздан билим ва тарбия олган ва ҳозирги пайтда иқтисодиёт ҳамда маънавият жабҳаларида ишлаётганлар ҳам ўзларининг эзгу ниятларини пайваста этишган.

Сиз учун қувончли кунда табриклар эканмиз, сиҳат-саломатлик тилаб, кўп йилу кўп ойларга етиб юришингизни ният қиламиз. Она аъзоларингиз ва ҳамкасбларингиз даврасида доимо азизу мукаррам бўлинг!

МАЙ ОЙИ НАТИЖАЛАРИ

МҲСК футболчилари 10-даврада «Афросиёб» дарвозасига бешта тўп киритиб ва ўз дарвозаларидан битта тўп ўтказиб юборибу, футбол бўйича миллий чемпионат жадвалида ҳамон биринчи ўринда туришибди. Улар жами 30 та хол тўплади.

Тошкентлик Пахтакорчилар Марғилоннинг «Атласчи» командаси дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди. Эндиликда уларнинг ҳисобида 24 та хол бўлиб жадвалда учинчи ўринда турибди. Иккинчи ўринда эса «Нефтчи» бормоқда. Бу команданинг «Сурхон» билан учрашуви 3:1 ҳисоби билан тугади.

«Янгиер» футболчилари ҳам «Хоразм» командасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Навбаҳор» — «Зарафшон», «Сўғдиёна» — «Бухоро» учрашувлари бир хил натижа (2:1) билан тугади. «Андижон» уз майдонида «Трактор»га 0:2 ҳисобида ютқазди. «Чилонзор» — «Косонсой» учрашуви 1:1 ҳисобида якунланган бўлса, «Дустлик» командасининг «Насаф» билан учрашувида ҳисоб очилмади.

Ўн биринчи давра ўйинлари 4-5 июнда бошланади. 25 май куни футбол муҳлисларини 1998 йилги жаҳон чемпионати бешинчи саралаш гуруҳида Узбекистон ва Камбоджа миллий терма командалари ўртасидаги ҳалқаро учрашув кутади. Бу учрашув Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида бўлади.

Бокс

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА

Айни кунларда Андижонда барча спорт иншоотлари тартибга солинмоқда. Уларнинг бир қисми таъмирланмоқда ва қайта қурилмоқда — бу ерда бокс бўйича халқаро мусобақага тайёргарлик ишлари фаол олиб борилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг қарорига мувофиқ, бу халқаро мусобақа Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллиги шарафига ўтказилади.

Мусобақада иштирок этиш учун Жаҳонга машҳур чарм қулқоп усталарини таклиф этиш мулжалланмоқда. Бу тадбирга 22 корхона ўз ҳомийлигини таклиф этди. Ўнлаб хусусий фирма ва кичик корхоналар бўлажак мусобақага бағишланган буюмларни ишлаб чиқара бошлади.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Миргиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат—ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят ва хатлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0285, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.